



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2022 yil « 9 » fevral

№ 66

Toshkent sh.

**Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 мартағи 132-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида**

Республиканинг чекка худудларидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни жадаллаштириш, соғлом, фаол, баркамол, ижтимоий мослаштирилган болаларни тарбиялаш, келгусида муваффақиятли ўкув фаолияти учун шарт-шароитларни шакллантириш ва уларни бошланғич таълимга сифатли тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 мартағи 132-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “9” февралдаги 66-сон қарорига  
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни бошланғич таълимга  
мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш  
чора-тадбирлари түғрисида” 2020 йил 9 мартағи 132-сон қарорига  
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

**1.** 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуидаги таҳрирда баён қилинсин:  
“тайёрлов гурухларида ўкув йили жорий йилнинг 2 сентябридан  
кейинги йилнинг 31 майгacha бўлган даврни, ёзги соғломлаштириш даври  
жорий йилнинг 1 июнидан 31 августигacha бўлган даврни ўз ичига олади”.

**2.** 1-илова қуидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

**“Изоҳ. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига  
зарур ҳолларда мазкур иловада белгиланган республика мақсадли  
кўрсаткичлари доирасида ҳудудлар кўрсаткичларига ўзгартириши киритиш  
ҳукуқи берилади”.**

**3.** 2-иловада:

а) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги “июнь, июль” сўзлари  
“май, июнь” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банддаги “тегишли йилнинг 1 сентябрида 5 ёшу 6 ойлик бўлган”  
сўзлари “келгуси йилда етти ёшга тўладиган” сўзлари билан алмаштирилсин.

